



САНКТ-ПЕТЕРБУРГ БИЛАН ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ САМАРАЛИ ИШГА СОЛИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь куни Санкт-Петербург шаҳри губернатори Александр Беглов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Икки мамлакат ҳудудлари даражасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбашлашни кўпайтириш учун замонавий савдо-тижорат ва логистика инфратузилмасини яратиш, етакчи корхоналарнинг саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш, уй-жой коммунал хўжалик ва шаҳарсозлик соҳаларида шерикликни

чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фол маданий-гуманитар алмашинувларнинг давом эттирилиши қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ҳудудларининг Санкт-Петербург шаҳри билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги бўйича "йўл харитаси"ни тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Ў.А.



Халқимизда ҳар қандай катта ишни бошлашдан олдин кўпчилик билан маслаҳат қилинади. Маслаҳатлашув жараёнида жўяли таклифлар билдирилади. Қизгин муҳокамадан сўнг кўпчиликнинг рози-ризолиги билан якуний қарорга келинади. Бош Қонунимизга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида ҳам айнан шундай йўл тутилди.

Амалдаги Конституция мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг сиёсий қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, давлат ва фуқароларнинг, жамият тузилмаларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига оид масалаларни қамраб олди, барча соҳада эришилган ютуқларимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди. Лекин вақт югури. Замон шиддат билан ўзгариб бормоқда.

Буни ҳам ҳисобга олишимиз шарт, албатта. Асосий Қонунимизни амалга ошириладиган ислохотларга, жамиятдаги реал воқеаликка, юртдошларимизнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришларга, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳамма ҳамма тарзда такомиллаштириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ

“Самарқанд руҳи”: “ДУНЁ ТАРҚОҚ ЭМАС, БАЛКИ ЯХЛИТ ВА БЎЛИНМАС”

Бугунги кунда сайёраимизнинг турли нуқталарида бир-бирдан фарқ қиладиган геосиёсий қарама-қаршиликлар юзага келадигани кўзга ташланмоқда. Айрим давлатлар ўртасида ишонсизлик белгилари, баъзан эса битта халқаро ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳам келишмовчиликлар пайдо бўлмоқда.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ” ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси сифатида демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, аҳолининг эркин ва обод турмушини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш ҳамда барча соҳаларда ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиз тараққиётининг янги босқичида халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун ишончли кафолат бўлган Бош Қонунимизни бугунги давр талабларига мос ҳолда, энг муҳими, фуқароларимиз хоҳиш-иродаси ва фикри ҳамда мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотларнинг бош мақсади бўлган “Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ҳақиқий халқ Конституциясига айлантириш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, мудофаа қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келадиган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони таъсис этилсин.
2. Белгилансинки: “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, мудофаа қудратини ошириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 8 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПФ-243-сон Фармониغا 1-илова

“Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, мудофаа қудратини ошириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Янги Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кадр-қиммати улуғланадиган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келадиган барча соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Олий Мажлис қилиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келадиган барча соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

Сенатининг Раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Бош вазир, вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, шу ишга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони кўкракнинг чап томонида давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПФ-243-сон Фармониغا 2-илова

“Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонининг ТАВСИФИ

Олд томони



Орқа томони



“Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони 0,25 микро қалинликда олтун билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Эсдалик нишонининг умумий баландлиги 54 миллиметрли ташкил этади.

Эсдалик нишонининг қалинлиги — 2,2 миллиметр, олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида миллий нақшлар фонидида қонунийлик ва адолат тимсоли бўлган тарози ва очик ҳолатдаги

китоб — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси рамзий маънода акс эттирилган. Китоб тасвирининг ичида баландлиги 8,6 миллиметр бўлган “30”, пастки қисмида эса баландлиги 2,5 миллиметрли “YILLIGI” ёзуви жойлашган.

Китоб тасвири ортида давлатимиз суверенитети ҳамда чегараларимиз дахлсизлигини ифода этувчи миллий нақшдаги мустаҳкам дарвоза акс эттирилган.

Эсдалик нишони айланаси миллий нақшлар билан безатилган бўлиб, унинг юқори қисмида “OZBEKISTON”, пастки қисмида “KONSTITUTSIYASINING” сўзлари ёзилган. Ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда бўлиб, ҳарфларнинг баландлиги 1,8 миллиметрли ташкил этади.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидида шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга илгакчалар ва ҳалқача ёрдамчида уланган. Қадағичнинг бўйи — 16 миллиметр, эни — 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида эсдалик нишони кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич қўринишидаги мослама ўрнатилган.

ЯНГИ ҚОНУН ШАРҲИ

СТАНДАРТЛАШТИРИШ: МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДАГИ ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ



Ваҳобжон МУРОДЖОБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси

Гал ўзани саноатни ривожлантириш сари бурлиганда, мавзу беҳитиёр стандартлаштириш масаласига келиб тақалади. Негаки маҳсулот, жараён, хизмат кўрсатиш масалаларида истеъмолчилар ва давлат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш мамлакат иқтисодийоти ривожининг устувор вазифалари саналади. Ривожланган давлатлар таъриби асосида юқоридаги устувор вазифаларни амалга оширишда стандартларни ихтиёрийлик тусида қўллаш механизмининг фойдаланиш юқори самара берганини кўрсатмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида илғор хорижий давлатлардаги ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини бозор талаблари асосида тақомиллаштириб бориши, соҳага янги инновацион технологиялар жадаллик билан жорий этилиши жаҳон бозориди шиддатли рақобат муҳитини шакллантирмоқда.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда стандартлаштириш буйича техник қўмиталарнинг ваколатлари

Қуни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари муҳокама қилиниб, соҳани ривожлантириш буйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари маҳаллий корхоналарнинг халқаро сертификатлар олиб, ташқи бозорга чиқишига қўмақлашиш зарурлигини таъкидлади. Бу, ўз навбатида, саноат экспорти ҳажмини оширишга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

қонунчилик билан тартибга солинигани сабабли стандартларни қабул қилишда консенсусга эришиш имкони кам кузатилади. Бу соҳанинг ривожланишига, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга тўсиқ бўлиши сир эмас. Шунингдек, стандартларни ишлаб чиқишда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида қонуний асосларни тақомилга етказиш зарурати бор эди.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда кейинги йилларда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги самарадорликни оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўтган беш йилда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳаларида тарихий ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани халқаро андозаларга мослаштириш, стандартлардан кенг фойдаланиш муҳитини яратиш, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилиш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда барча соҳаларда халқаро андозалар жорий этиляпти. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида "Global G.A.P." ва "Organic", тўқимачиликда "Oeko-Tex" стандарти асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда. Соҳада жаҳон бозорига мувофиқликни таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2021 йил 2 июндаги фармони асосан, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига ўтказилиб, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги сифатида қайта ташкил этилди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон ўтган йили Европа Иттифоқининг GSP+ номли кенгайтирилган преференциялар тизимига қабул қилинган эди. Унинг доирасида 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкин. Бунинг учун давлатимиз томонидан транспорт харажатларига 70 фоизгача субсидия ҳам берилмоқда. Аммо тўқимачилик

маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи, электр техникасининг 3 фоизи, ипак ва озиқ-овқатнинг 1 фоизи Европада сотилапти, холос.

Шу билан бирга, соҳанинг ўзида сифатни ошириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш, ишлаб чиқарувчиларга йўл кўрсатиб, экспортни кўпайтириш буйича ўзгариш сезилмапти. Стандарт, карантин, ветеринария идоралари ҳамда гигиена лабораториялар ягона сиёсат юритмасдан, тадбиркорга қўмақчи бўлмапти. Бу каби омиллар тадбиркорликни кенг ривожлантиришга, маҳсулот ва хизматлар, ишлаб чиқариш жараёнларининг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас.

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонун соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш, маҳсулотлар экспорт географиясини кенгайтириш, жаҳон бозориди эркин ҳаракатланиш ҳамда савдодаги турли хил техник тўсиқларни бартараф қилишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ушбу қонуннинг концепцияси давлат стандартларидан миллий стандартларга ўтган ҳолда соҳани либераллаштириш орқали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, халқаро тизимга интеграция қилиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, соғлом рақобатни яратиш, аҳолининг ҳаётини, соғлигини, мол-мулкни ҳамда атраф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган.

Бу қонун билан қандай янги нормалар, тартиб-таомиллар белгиланмоқда?

Мазкур ҳужжат билан миллий стандартлар ихтиёрий асосда қўлланиш назарда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳсулотлар (хизматлар) ҳамда жараёнлар сифатини ошириш, уларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Бугунги кунда давлат стандартлари фондада 30 мингга яқин стандарт мавжуд бўлиб, уларнинг талабларига риоя қилиш мажбурий ҳисобланади. Аҳамиятлиси, қонун билан 18 мингдан ортиқ стандарт мажбурий тусдан ихтиёрий тусга ўтати.

Шунингдек, турли хил идоралар кесимида стандартлаштириш буйича ишларни алоҳида-алоҳида олиб бориш амалиёти бекор қилиниб, стандартларни экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш, бекор қилиш, янгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон стандартлар институтига берилмоқда.

Ҳозирда бу каби ваколатга Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (иқтисодий тармоқларида), Қурилиш вазирлиги (қурилиш соҳасида), Экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (табиий ресурслардан фойдаланиш ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (табиий маҳсулотлардан фойдаланиш соҳасида) ва Мудофаа вазирлиги (мудофаа соҳасида) эга. Натижада стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ишлари идоралар кесимида тарқоқ ҳолда олиб борилаётган. Шу билан бирга, стандартларни ихтиёрий қўллаш тизимига ўтилиши сабабли бундай ваколатни алоҳида идораларга тақсимлаш ўз долзарблигини йўқотади.

Халқаро ташкилотлар (WTO, ISO, IEC, CEN) билан ҳамкорлик қилиш талабларидан бири мамлакатда стандартлаштириш соҳасидаги миллий органи аниқлаш ҳисобланади. Бунда соҳавий стандартлар лойиҳалари идоралар ҳузурида ташкил этиладиган техник қўмиталар томонидан консенсус асосида ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш учун Миллий органга тақдим этилиши белгиланмоқда.

Халқаро, минтақавий ва хорижий стандартларни Ўзбекистон Республикасида қўллаш тартиби жорий этилмоқда. Бунда улар Миллий органининг қарори билан миллий стандартлар сифатида ўзгаришсиз қабул қилиш орқали қўлланилади. Мазкур соҳада халқаро нормаларда келтирилган тушунчалар, ошкоралик ва шаффоқлик принциплари ҳамда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим масала. Қонун билан стандартлаштириш тизими халқаро амалиёт билан уйғунлаштирилади. Бу билан маҳсулотлар (хизматлар) ва жараёнлар сифати, уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошишига эришилади.

Энг муҳими, стандартлаштириш соҳасидаги тушунчалар Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа халқаро нормаларда белгиланган тушунчалар билан уйғунлаштирилади. Республикада амалга

киритиладиган меъёрий ҳужжатларнинг тоифалари халқаро амалиёт ва Жаҳон савдо ташкилоти-нинг савдодаги техник тўсиқларни бартараф қилиш буйича келишув шартларига мувофиқлаштирилиб, ушбу соҳадаги манфаатдор томонларнинг асосий вазифалари аниқлаштирилади.

Стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда халқаро стандартларни амалга киритиш соҳасида техник қўмиталар фаолияти тўдан тақомиллаштирилади, саноатга инновацион технологияларни жадал киритиш ва маҳсулот ҳамда хизматлар сифати ошишига хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, қонун лойиҳасини маромига етказишда ундаги нормалар нафақат депутатлар, балки сайловчилар берган — маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишга юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этиш, республика экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозориди ўрнини топишга қаратилган тақлифлари ўз аксини топди. Шунингдек, ҳаволини моддалар чиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар киритилди.

Эътиборлиси, депутатлар қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш, уни пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш мақсадида ҳудудларга чиқиб, таъриб тадбирлари ўтказди, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан яқиндан танишди. Мазкур жараёнда аҳоли томонидан берилган тақлиф ва тавсиялар асосида қонундаги ҳар бир норма тақомиллаштирилди.

Қонунда белгиланган нормалар сифатсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва амалиётда фойдаланилишининг олдини олади. Истеъмолчилар қонуний манфаатларини ҳимоялашга, фуқаролар, жамият ва давлатнинг сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳуқуқий нормалар самарали ишлашига асос бўлади. Бу, ўз навбатида, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишга юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этиш ҳолда республика экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозориди ўз ўрнини топишига имкониёт яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун миллий стандартлаштириш тизими халқаро амалиёт билан уйғунлаштирилади, маҳсулот ва хизматлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари сифати, уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошишига эришилади.

САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН

РАҚАМЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

туркий давлатлар ўртасида алоқаларни янги босқичга кўтаришга замин яратади

11 ноябрь куни Самарқанд шаҳри Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитига мезбонлик қилади. Саммитнинг Самарқандда ўтаётганида ҳам катта рамзий маъно бор. Туркий давлатлар ташкилоти умумий тил, анъаналар уйғунлиги ва ҳамжиҳатлик асосида қурилган ҳамда бугунги кунда нафақат минтақавий, балки халқаро ҳамкорликнинг самарали бирлигига айланди. Кейинги йилларда Ташкилот фаолиятида мазмун жиҳатдан ҳам катта ўзгаришлар бўлди. "Туркий дунё нигоҳи" деб номланган 2040 йилга мўлжалланган стратегик ҳужжат қабул қилинди.



Музаффар ЖАЛОЛОВ,
Тошкент шаҳридаги
Инҳа университети ректори

Бу ҳужжатда олдимизга қўйилган мақсадлар аниқ-равшан белгиланди. Булар сиёсий, савдо-иқтисодий, халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва ўзаро ҳамжамиятликни кучайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлардир. Ташкилотнинг асосий вазифаси туркий давлатлар ўртасида турли соҳада алоқаларни ривожлантириш, ўзаро ишонч муҳитини шакллантириш ва халқаро муносабатларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлашдан иборат. Ана шундай яқин воситалар асосида бугун Ташкилотга аъзо давлатлар қўллаб соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Хусусан, ахборот технологиялари соҳасида ҳам алоқалар ривожланмоқда.

Рақамли технологиялар ҳақида сўз юритар эканмиз, атиги чорак аср олдинги воқеалар кўз олдимизда гавдаланади. Ушунда мобил телефонлар энди ҳаётимизга кира бошлаган

эди. Янги технологиялар ва рақамли иқтисодий ҳақида эса назарий фикрлар мавжуд эди, холос. Ушундан буён 30 йилдан кўпроқ вақт ўтди. 30 йил кўнча тарих олдида бир лаҳзадек гап. Бироқ шу қисқа муддатда интернет пайдо бўлди ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Шунингдек, илмий ва техник билимларнинг сунъий интеллект, робототехника ва бошқа қўллаб соҳалари жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда рақамли трансформация ҳар қандай давлатнинг ривожланиш даражаси, илмий-техник салоҳиятини кўрсатувчи асосий шарт ва мезонлардан бирига айланди. Жумладан, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, электрон ҳукуматни ривожлантириш, жамият ва давлат ҳаётининг барча жаҳдаларини рақамли ўзгаришига қаратилган қатор концепциялар, стратегиялар қабул қилингани тўғрисида ахборот технологиялари жадал ривожланмоқда.

Кейинги 5-6 йилда телекоммуникация, электрон ҳукумат, рақамлаштириш, ақли шаҳар, сунъий интеллект каби сўз ва иборалар ҳаётимизга мустаҳкам кириб келди. Шу билан бирга, ёшларимизнинг рақамлаштириш жараёнларини ва уларни амалга оширишни батафсил ўрганишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар тўғрисида Ўзбекистон халқаро майдонда янада кўпроқ танилиб, нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Шу ўринда рақамли трансформация жараёнига қисқача тўхталасак. Глобал маънода рақамлаштириш маълум бир давлат ҳаёти ва ишлаб чиқаришининг турли соҳаларига жорий этилаётган рақамли технологияларга асосланган иқтисодий фаолиятдир. Бу концепция истисносиз барча мамлакатларда кенг қўлланади. Шундан келиб чиқиб, жамиятнинг рақамли трансформациясини амалга ошириш республикаимизнинг асосий стратегик вазифаларидан бирига айланди. Бу борада Туркия каби бизга ҳар томонлама яқин бўлган давлат таърибасида жуда қизиқ. Бу мамлакатнинг рақамли трансформация соҳасидаги ижобий таърибасидан кўп жиҳатларда фойдаланишимиз мумкин.

“БУГУНГИ КУНДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ, ИЛМИЙ-ТЕХНИК САЛОҲИЯТИНИ КўРСАТУВЧИ АСОСИЙ ШАРТ ВА МЕЗОНЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, СўНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР, ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ РИВОЖЛАТИРИШ, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИНИ РАҚАМЛИ ЎЗГАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАТОР КОНЦЕПЦИЯЛАР, СТРАТЕГИЯЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТУҒАЙЛИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА.”

Президентимиз Туркий давлатлар ташкилотининг 2021 йилда Истанбулда бўлиб ўтган саммитида бу хусусда тўхталиб, "Давлатларимизнинг ҳар бири турли соҳаларда рақамлаштириш жараёнларини жорий этиш таърибасига эга. Аъзо мамлакатларда, биринчи навбатда, Туркияда бу соҳада тўпланган таърибани инобатга олиб, "ақли шаҳар"ларни барпо этиш буйича таъриб аламиниш ва инновацияларни трансфер қилиш мақсадида экспертлар ва IT мутахассислар учун доимий платформа яратиш муҳимдир. Бу борадаги илк қадам сифатида 2022 йилда экспертлар конференциясини ўтказишни тақлиф қиламиз", деган эди.

Туркия ҳар йили "ақли шаҳар" амалиётини янада кенгайтирмоқда. Мамлакатнинг замонавий шаҳарларида энергия тежамкор, иқлимга мослашган экологик сертификатга эга бинолар қурилмоқда. Биноларда энергия сарфини минималлаштириш, ёмғир сувларини йиғиш ва улардан фойдаланиш тизимларини назарда тутишни қурилиш технологиялари жорий этилмоқда. Бу борада таъриб аламиниш барчамиз учун манфаатлидир.

Мамлакатимизнинг Ташкилот доирасидаги фаолияти диққатга сазовор. Утган давр мобайнида Туркий давлатлар ташкилоти котибияти билан ҳамкорликда юртимизда Ёш тадбиркорлар, Турк дунёси ёш лидерлари форумлари, "Қўқон хонлигининг туркий халқлар давлатчилигининг шаклланишидаги ўрни" каби ранг-баранг мавзуларда анжуман ва тадбирлар ташкил этилди.

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитида ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, савдо, сармоя, яшил иқтисодиёт, рақамли технологиялар соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинади. Транспорт ва коммуникациялар, шунингдек, таълим ва маданият соҳасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқбол хусусида фикрлашмоқда. Ушбу нуфузли халқаро тадбир илдизлари муштарак бўлган мамлакатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик янада кенгайтириш ва қардошлиқ ришталари мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ



КИЧИК ДЕТАЛЛАРДАН ЙИРИК ДАСТОҲЛАРГАЧА

Навоий вилоятидаги йирик корхоналарда импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, саноат кооперациясини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Вилоятда бугун 4 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият юритади ва уларнинг 250 таси хорижий инвестиция асосида иш бошлаган тадбиркорлик субъекти ҳисобланади.

Таъкидлаш жоиз, Президентимиз ташаббуси билан иқтисодий барқарорликни таъминлашда ички имкониётларни ишга солиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш орқали саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилган ишлар самарасида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 412 миллирдан ортиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар тайёрланиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 122,4 фоизни ташкил этди.

— Ўзбекистонда биринчи бўлиб шахта кўтариш машинасини маҳаллийлаштиридик. Авваллари бу ускунани Хитойдан олиб келардик. Шунингдек, руда олиб чиқиш мосламасини ҳам ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз. Шундай янгиликлар корхонамизда катта миқдорда валюта тежаш имконини бермоқда, — дейди корхона ҳодими Лутфиддин Маҳмудов.

2022 йилнинг тўққиз ойида корхона тармоқлари кооперация доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 3 триллион 6 миллиард сўмлик маҳсулот харид қилди. Утган йилнинг ўзида маҳаллий корхоналар қаватларида эмальторлар, гидравлик мой, реактор аралаштиргичи, тирқишли ғалвирлар, мой фильтрлари, фильтрловчи плиталар, сиффон каби импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилди. Бу каби ижобий ўзгаришлар Навоий машинасозлик заводи фаолиятининг самарадорлигига ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бугунги кунда 26 та маҳаллий саноат корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик, —

дейди Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бўлими ҳодими Бахтиёр Тошпўлатов. — Заводимиз томонидан уларга барча зарурий техник қўмак кўрсатилади. Агарда маҳсулот, ускуна ва хомашлар четдан олиб келинса, ҳам вақтдан ютқазилади, ҳам нархи баян бўлади. Маҳаллийлаштириш ҳисобига зарур ускуналар ўзимизда ишлаб чиқарилса, ҳар томонлама даромадли бўлиши шубҳасиз. Бу жараён келгусида экспорт салоҳиятимизни оширишга ҳам хизмат қилади.

"Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида "маҳсулотбай" кооперация алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, натижада илгари комбинат эҳтиёжлари учун импорт қилинган 405 миллирдан сўмлик маҳсулотлар ҳозирда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Комбинат "шатакча олган" корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилга нисбатан ўртача 16-17 баробар ортиб, 330 дан ортиқ янги маҳсулот тури ўзлаштирилди.

— Айни вақтда яна янги лойиҳалар устида иш олиб борапмиз. Жумладан, юқори қучланишли двигателлар ишлаб чиқариш лойиҳаси учун Европалдан техникаларни олиб келдик ва ҳозирда ўрнатилиш ишлари амалга оширилмоқда. 2023 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқариш жараёни бошланади, — дейди корхона ҳодими Бобур Ҳамроев.

Қисқа қилиб айтганда, маҳаллийлаштириш орқали корхоналар нафақат валюта тежамкор, балки молиявий жиҳатдан оёққа туриб, миллий иқтисодиётимизга ҳам катта наф келтирмоқда. Буни эса биргина Навоий вилоятидаги саноат корхоналари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
журналист

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ

“Самарқанд руҳи”: “ДУНЁ ТАРҚОҚ ЭМАС, БАЛКИ ЯХЛИТ ВА БЎЛИНМАС”



Қобилжон СОБИРОВ, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази директори

декларацияси қабул қилингани алоҳида қайд этилади.

БМТ эса 1996 йилда 16 ноябрни Багрикенглик куни деб нишонлашни эълон қилган.

Халқаро муносабатларда ўзига хос йўналишни кашф этаятган халқаро тузилма сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай эътироф ШХТ сиёсатининг асосий негизини ташкил этувчи “Шанхай руҳи”да ўз аксини топган.

“Шанхай руҳи” асосида ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, ўзаро маслаҳатлашув, маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат, биргалиқда ривожланишга интилиш каби тушунчалар ётади. Мантиқий асос сифатида қараладиган ушбу ҳар бир концепция чуқур маънога эга.

Ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик ва ўзаро маслаҳатлашувлар — янги хавфсизлик модели асосини ташкил этади.

Ўзаро ишонч тамойили ўзаро тушунишга, халқаро шартномалар ва мажбуриятларга, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига риоя қилишга асосланган самий муносабатларни назарда туттади.

Ўзаро манфаат тамойили барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва қафолатлаш зарурлиги, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлатлар хавфсизлиги билан ажралмас эканини билдиради.

Халқаро муносабатлар субъектларининг тенглиги худуди катталиги, фаровонлик даражаси ва давлат ҳокимиятидан қатъи назар, ҳақон ҳамжамиятидаги тенг мақомини назарда туттади. Уларнинг барчаси тинчлик ва осойишталикка, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга, баъзи давлатларнинг бошқалардан устунилик қилишга интилишига қарши курашда тенгдир.

Ҳамкорлик тамойили бир давлат бошқасига қарши иттифоқ тузаслиги, мулоқот ва маслаҳатлашувлар орқали яширин таҳдидларга барҳам бериши, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиши, қуроли тўқнашувларнинг олдини олиши ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашни аниқлатади.

Маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш тамойили замонавий дунёда маданиятлар ва цивилизациялар хилма-хиллигини тан олиш, ҳар бир давлатнинг тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳар бир миллатнинг ўз ижтимоий тизими ва ривожланиш моделининг мустақил танловига ҳурмат билдиришидир.

Биргалиқда ривожланишга интилиш тамойили — Шимол ва Жануб ўртасидаги номуносабатчиликни камайтириш ва ижтимоий табақаланиш муаммосини ҳал қилиш, ҳамкорлик жараёнида ўзаро фаровонликка интилиш, бошқа давлатларнинг ҳар қандай ижобий таъжрибасини ўрганиш дегани.

Жорий йилда юртимизда ўтказилган ШХТ саммитида “Шанхай руҳи” тушунчаси ҳамкорлик, ўзаро алоқалар ва дўстлик ифодаси бўлган “Самарқанд руҳи” билан тўлдирилди.

Азал-азалдан кўплаб мамлакатларни ягона чорраҳада туташтирган Самарқанд шу ҳафтада яна бир катта саммитга мезбонлик қилади. Бу заминда туркий давлатлар раҳбарлари учрашади. Демак, Самарқанд яна бир бор “дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас” эканини намояндалар. Шу тарихка “Самарқанд руҳи” тинч-тотув қўшничилик баракот манбаи эканини чуқур аниқлаш экани, эзгуликлар кўпайишини, халқларнинг фаровон ва ўзаро аҳил яшашини истаган маконда ҳамкорлик, савдо, ижод, илм-фан ва санъат, инсоний гоғлар устувор бўлиши шартлиги, минтақавий ва глобал хатарларни биргалиқда муҳокама қилиш, бу борада зарур эчимларни излаб топиш лозимлиги, хатарларни ҳал этишда нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилиш тақозо этилишига оид янги йўналишларни очиб беради.

Бошланғич 1-бетда

ШХТнинг Самарқанд саммити арафасида Президентимиз айтганидек, “Бир тарихий давр ниҳосига етмоқда ҳамда башорат қилиш мумкин бўлган янги бир давр бошланмоқда”.

Бутун заминни ларзага солган пандемия шароитида айро яшашга мажбур бўлган давлатлар аввалги муносабатларини тиклашга қийналаётгандек гўё.

Ҳўш, ушбу муаммони ҳал этишнинг қандай йўли бор? Инсоният қайси йўлни танласа, мамлакатларнинг дўстона муносабатлари изчил шаклланади? Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳар бир инсоннинг тинч яшаши, ҳар бир оиланинг ёки маҳалланинг ошуда бўлиши бутун бир давлатнинг, таъбир жоиз бўлса, борлиқ оламнинг ривож учун етарли асосдир. Инсондан бошланиб, бутун оламни қамраб оладиган даражадаги улғувор тушунчалардан бири, шубҳасиз, багрикенгликдир.

Президентимизнинг кейинги йилларда қабул қилган йигирмадан ортиқ фармониде багрикенглик тамойилидан фойдаланган ҳолда масалаларни ҳал этишга алоҳида урғу берилган. Хусусан, экстремизм ва терроризм гоғлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида багрикенглик мафкурасини тарбиб этиш экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021-2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Миллий стратегиянинг амалга ошиши натижасида экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва мафкуравий механизмларнинг самарали тизимини, шунингдек, жамиятда багрикенглик маданиятини шакллантиришга эришиш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг ички муносабатида ҳам, ташқи муносабатида ҳам багрикенглик устуворлигини таъминлаш миллий стратегияда таянч нуқталар ҳисобланади.

Ташқи сиёсатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби асосий мезонларида багрикенгликнинг том маънодаги ижобий таъсирини аниқлаш мумкин.

Багрикенгликнинг қудрати бир мамлакат доирасидан кўра бир неча давлатнинг ўзаро муносабатида яққолроқ намоян бўлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас. Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро ҳамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишининг яққо ягона йўли конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир”.

Шу ҳақда гап кетганда, табиийки, бундан чорак аср муқаддам ЮНЕСКОга аъзо давлатлар томонидан Парижда Багрикенглик тамойиллари



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР –

СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



Олимжон ЎСАРОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси

Бошланғич 1-бетда

Дунё таърибасида сўнги 30 йилликда 90 га яқин давлатда конституциявий ислохотлар ўтказилиб, улардан 53 тасида янги Конституция қабул қилинган.

Мамлакатимизда конституциявий ислохотлар нима учун керак ва бу ислохотлар мазмун-моҳиятида қандай таъсирлар мусбабат, деган савол туғилиши табиий. Охири олти йилда жамиятимизда том маънода уйғониш содир бўлди. Учинчи Ренессанс пойдеворига тамал тоши қўйилди.

Одамлар жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмас — ўз муносабатини билдиришти, таклиф-истакларини баён этипти. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида юзага келган ижтимоий муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарурати пайдо бўлди.

Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини эълон қилди. Мазкур лойиҳада Конституциямизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиш киритиш ҳамда 16 та нормани ўз ичига олган 6 та янги модда (прим моддалар) қўйиш таклиф этилмоқда.

Албатта, шу пайтга қадар Конституцияга бир неча бор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Лекин улар, асосан, давлат ҳокимияти фаолиятига дахлдор бўлган. Ҳозирги киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг замирида эса “Инсон қадрини ҳимоя қилиш, яъни таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий қафолати назарда тутилмоқда. Илгари амалда бўлиб келган “давлат — жамият — инсон” тамойилини “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартириш зарурати конституциявий ислохотларнинг муҳим асосидир.

Демак, инсон, унинг ҳаёти, қадр-қимматини улғулаш ва буни конституциянинг бутун руҳига синдириш, ҳар бир моддасида акс эттириш мақсад қилинган. Шундагина Бош Қонунимиз чиндан ҳам халқ Конституцияси бўлади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бу ишлар ўзимизни кўз-кўз этиш учун эмас, балки халқнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, эртага ҳар бир юрtdошимиз Конституция билан фахрланиши, “Бу менинг Конституциям” деб гурурланиши учун амалга оширилаётганини аниқлашимиз зарур.

Инсон бу дунёда муносиб ҳаёт кечирishi, ўзига қулай шароитда яшаш керак. Давлат инсоннинг фаровон яшашини қафолатлаши ва бунга имкон яратиб бериши даркор. Бу Конституцияда акс этиши ва ижтимоий давлатнинг фуқаролари олдидеги асосий вазифалари аниқ белгилаб қўйилиши адолатдан бўлади.

Очиқлик ва шаффофлик давлатимиз сиёсатининг муҳим шартига айланган бир пайтда Конституциямизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёни ҳам тўлиқ очиқлик ва шаффофлик шароитида ўтаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Инсон ҳуқуқлари орасида энг асосийларидан бири, шубҳасиз, сўз ва матбуот эркинлигидир. Сўз эркинлиги, янада кенгроқ маънода оладиган бўлсак, ахборот эркинлиги ҳалқаро ҳуқуқ томонидан инсоннинг энг асосий — фундаментал ҳуқуқларидан бири сифатида тан олинган. Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги энг муҳим сиёсий ва шахсий ҳуқуқлар сирасига қиради ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида қатъий белгилаб қўйилган.

Шу боис, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси

еттинчи йўналишининг дастлабки ва муҳим мақсади сифатида белгиланган. Бундан англаш мумкинки, биз яшаётган глобаллашув ва ахборот асрида ҳаётимиз, жамият тараққиёти, мамлакат раёнаки замонавий медиамакон ва ахборот-коммуникация технологиялари, оммавий ахборот воситалари фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ.

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳалар қаторида ахборот сиёсати учун ҳам ўзига хос ўзгаришлар даври бўлди. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган 1991 йилдан 2002 йилгача соҳага тегишли бўлган 5 та яхлит қонун қабул қилинган бўлиб, у босқичма-босқич такомиллашиб келмоқда. Кейинги 6 йил ичида ОАВ сони 30 фоиз, интернет нашрлари эса 2 баробар кўпайган фикримизнинг яққол далилидир. Бу ўринда, айниқса, хусусий медиа ҳиссаси салмоғи янада ортани, уларда мавжуд муаммолар эркин ва очиқ тарзда ёритилаётгани эътиборга молик.

Сўнги йилларда оммавий ахборот воситалари орқали объектив ва ҳаққоний маълумот олиш имкониятлари янада кенгайиб, сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани юртимизда демократиянинг барча тамойилларига амал қилинаётганини кўрсатмоқда. Зеро, демократия давлатнинг ОАВга бўлган эътибори ва муносабати билан ҳам ўлчанади.

Техника ва технологиялар тараққиёти жамиятда ахборотнинг аҳамиятини янада оширди. Ахборот барча соҳага чуқур кириб боргани, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли қурилмадан даражада ортгани, ўз навбатида, уларни тартибга солиш заруратини ҳам юзага келтирди.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича қўйилаётган чора-тадбирлар фуқароларнинг ахборот

“ОДАМЛАР ЖАМИЯТДА БЎЛАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАС — ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРИШТИ, ТАКЛИФ-ИСТАКЛАРИНИ БАЁН ЭТИПТИ. ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН, МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУРАТИ ПАЙДО БЎЛДИ.

соҳасидаги ҳуқуқни янада кенгроқ рўёбга чиқариш учун имкон яратиш, ОАВнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда, жамият ва давлат бошқарувини танқидга, айниқса, қарама-қарши фикрларга тўғри муносабатни шакллантиришда сўз эркинлиги учун ҳолис хизмат қиладиган ахборот воситалари ҳамда унда фаолият юритиб келаётган журналистлар учун, авваламбор, конституциявий қафолатлар жуда муҳим.

“Умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган конституциявий қонун лойиҳасининг 67-моддасида: “Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотини излаш, олиш, ахборотдан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини қафолатлайди”, деган норма ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бунинг эътибор ва эътирофга лойиқ жиҳати шундаки, давлат ОАВ ҳамда Ўзбекистон тараққиёти ва халқ турмуши фаровонлигини янада юксалтириш йўлида улкан ҳисса қўшиб келаётган журналистлар фаолияти эркинлиги қонун йўли билан ҳимояланишини давлатнинг асосий қонун билан қафолатламоқда.

Дунё таърибасига қўра, сўз ва матбуот эркинлигини таъминламай туриб, иқтисодий ривожланишга эришиш ҳам, жамият аъзолари турмуш фаровонлигини ошириш ҳам оғир кечади. Ўзбекистоннинг амалдаги Конституцияси 67-моддасида ОАВ ҳамда журналистларнинг ўз касбий фаолиятини эркин амалга ошириши учун зарур ва етарли қафолатлар белгиланмаган. Таклиф этилаётган янги таҳрирдаги моддада эса айнан шу бўшлиқ тўлдирилиб, ОАВ ва журналистларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Жумладан, 67-моддада “Оммавий ахборот воситаларининг ва

журналистларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади”, деган норма ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бундай имкониятлар медиа соҳаси вакилларидан мамлакатимизда кечаётган янгилишни жараёнларида ҳар қачонгидан ҳам фаол, ҳолис, ҳалол ва ўта масъулиятли бўлишни талаб этмоқда.

Сўз эркинлиги конституциявий жиҳатдан қафолатланган жамиятларда, албатта, бу ҳуқуқдан фойдаланишининг муайян тартибга солинган қонун-қоидалари ҳам мавжуд. Масалан, сўз ва ахборот эркинлигининг ҳуқуқий ҳимояси ахборотнинг мазмун-мундарижаси ва уни ифода этиш воситаларига,

усулларига боғлиқ. Ахборот эркинлиги интернет ва замонавий ахборот технологиялари шароитида шахсининг бошқа ҳуқуқларига, хусусан, ҳар бир фуқаронинг инсоний қадр-қиммати ва шаъни, шахсий маълумотлар мақолияти билан боғлиқ ҳуқуқларига зарар етказмаслиги керак.

Шу боис, таклиф этилаётган конституциявий қонун лойиҳасининг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари ўзлари тақдим этилган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардир”, деган норма киритилгани соҳа вакиллари ахборотини олиш, тўғрилигини текшириш ва тарқатиш борасидаги масъулиятини янада оширишга туртки бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизнинг 67-моддасига қўшимча тарзда киритилаётган, кенг жамоатчилик томонидан келиб тушган таклифлар асосида такомиллашаётган ҳуқуқий нормалар оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини таъминлаш ҳамда миллий журналистикамизни янада ривожлантириш, соҳа вакиллари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда янги имкониятлар очиб бераётган, эл-юрт манфаати ва юртимиз тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Конституциявий ислохотлар жараёни журналистлар олдига шундай вазифаларни қўймоқдаки, унга киритилаётган ҳар бир ўзгартиш ва қўшимчани, энг аввало, журналистнинг ўзи чуқур аниқлаши, ҳар жиҳатдан ҳолисона таҳлил эта олиши зарур. Бу, ўз навбатида, журналистнинг тайёрлаган материал орқали жамоатчилик эътиборига тўғри ва муқаммал ифодаланган ҳолда ҳавола этилиши шарт.

Журналистиканинг асосий вазифаларидан бири жамоатчилик фикрини шакллантириш, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини аҳолига, ҳар бир шахсга тўғри тушуниришдан иборат. Токи ҳар бир фуқаро, ҳар бир шахс конституциявий ислохотлар келажак учун муҳим эканини, тахрир этилаётган ҳар бир норма, ҳар бир банд оддий бир инсон, фуқаро ҳаётида нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини тушуниб етсин.

Шундагина журналистлар жамиятнинг бошқалардан кўра бир қадам олдinda юридиган илғор вакиллар сифатида ўз миссиясини тўлиқ адо этишга бўлади. Айни ислохотлар жараёнида эса биз, журналистлардан чиндан ҳам бошқалардан кўра бир қадам олдinda юриш талаб этилмоқда.

НУҚТАИ НАЗАР

“ЎЗБЕКИСТОН ЭНГ ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМДА ЭРИШАДИГАН ДАВЛАТЛАРДАН БИРИ БЎЛАДИ”

Халқаро экспертлар шундай фикр билдирмоқда



Умид ОБИДХҲУЖАЕВ,
Прогнозлаштириш
ва макроиктисодий
тадқиқотлар институти
директори

Бундай вазиятда озик-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, транспорт логистикаси тизимлари ривож билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни жаҳондаги ҳар бир мамлакат олдига муҳим вазифа сифатида қўймоқда. Чунки бунинг ортда миллионлаб инсон тақдири бор.

Ўзбекистон 2022–2026 йилларда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, инсон капитални ривожлантириш ва камбағалликни камида 2 баробар қисқартиришни мақсад қилган. Унга эришиш учун туб ўзгаришлар амалга ошириляпти. Буни иқтисодиётда хусусий сектор ролини ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг камбағал ва эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш

COVID-19 пандемияси дунё ҳаётига кучли салбий таъсир кўрсатди ва глобал аҳамиятга эга жиддий муаммоларни юзага келтирди. Буни, айниқса, иқтисодий соҳада яққол кузатиш мумкин. Дунё пандемия оқибатларидан ҳамон қутула олгани йўқ. Боз устига, сайёрамизнинг айрим минтақаларида нотинч вазият юзага келди. Бу ҳам иқтисодий барқарорлик ва тараққиётга салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти.

ҳамда инфляция суръатларини жилволаш, ҳамкор давлатлар билан савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган дастурлар мисолида қўриш мумкин. Албатта, иқтисодий ислохотлар самарида, аввало, инсон манфаатлари ётибди.

Бу савб-ҳаракатлар ўз натижасини берапти. Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга эришилаётгани, озик-овқат хавфсизлиги таъминланаётгани халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётган. Биргина мисол. Ўзбекистон Глобал озик-овқат хавфсизлиги индексида 85-уриндан 73-уринга кўтарилди ва озик-овқат хавфсизлиги мўътадил бўлган мамлакатлар тоифасига киритилди. Рейтинг муаллифларининг фикрича, Ўзбекистон сўнгги уч йил ичида бу борада энг катта муваффақиятга эришган мамлакатлар ўнлабига биринчи ўринни эгаллаган. Бироқ олдинда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кам эмас. Қўзланган мақсадларга эришишда, шубҳасиз, халқаро ташкилотлар, йирик хорижий компаниялар ва таниқли экспертлар билан ҳамкорликнинг роли катта. Жорий йилнинг 3–4 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган II Ўзбекистон иқтисодий форумида ҳам ана шу ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Форумда халқаро молиявий институтлар, тадқиқот муассасалари, консалтинг ва юридик компанияларнинг 900 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Анжуманда 600 нафарга яқин маҳаллий мутахассис қатнашди.

Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, хусусий

сектор, саноат, энергетика, молиявий бозорни ривожлантириш, гендер тенгликка эришиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқлим ўзгариши ҳамда “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қулай ва очиқ бизнес муҳитини шакллантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш форум иштирокчиларининг муҳокама марказидаги мавзулар бўлди. 14 та панел сессия Тараққиёт стратегияси мақсадларига бағишланди. Бундан ташқари, ҳамкорлар томонидан долзарб иқтисодий мавзуларга оид тадбирлар ўтказилди.

Ҳар қандай тадбир ҳаётда қандай амалий из қолдириши билан баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, Самарқанд форуми натижалари салмоқли бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Форум доирасида хусусий секторни молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик, бюджетни қўллаб-қувватлаш, таълим, энергетика, шаҳарларни комплекс ривожлантириш ва саноат соҳаларига тааллуқли умумий қиймати 3,8 миллиард АҚШ долларига тенг 62 лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди. Бу эса халқаро ташкилотлар, йирик молиявий муассаса ва компанияларнинг Ўзбекистонга, бу ердаги иқтисодий шароит, инвестицион муҳит, ҳамкорлик истиқболлиги ишончи юқори эканидан далолат беради.

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти экспертлари хорижий иштирокчилар ўртасида ўтказган ўзига хос сўров ҳам бу фикрни яна бир қарра тасдиқлади. Сўровномадан “Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий вазиятни қандай баҳолайсиз?”, “Ўзбекистоннинг бундан кейинги тараққиётидаги асосий манбаларни нималарда қўрасиз?”,



“Форумнинг асосий ютуқларини қандай тавсифлайсиз?” каби саволлар жой олди.

Институт экспертлари “Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий вазиятни қандай баҳолайсиз?” деган саволга берилган жавобларда “ўсаётган”, “очиқ”, “имкониятлар”, “салоҳият”, “барқарор” каби сўзлар кўп қўлланганини қайд этди.

“Ўзбекистоннинг бундан кейинги тараққиётидаги асосий манбаларни нималарда қўрасиз?” саволига жавобларда “ахборот технологиялари”, “молия” ёки “замонавий технологиялар” эмас, балки “инсон капитали”, “инновация”, “шаффофлик”, “тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар”, “ҳамкорлик” асосий сўзлар бўлди.

“Форумнинг асосий ютуқларини қандай тавсифлайсиз?” саволига жавобларда эса “ишонч”, “очиқ мулоқот”, “қелишувлар”, “алоқалар”, “режалар” каби сўзлар тез-тез такорланди.

Шу билан бирга, халқаро ҳамкорлар томонидан форум доирасида кузатишлар ва хулосалар билдирилди.

Жумладан, халқаро ҳамкорлар “Ўзбекистон тўри йўналишдаги иқтисодий сиёсат ва ижтимоий қоралар тўғрисида COVID-19 пандемиясини барқарор ҳолатда ўтказганини ижобий баҳолади.

Жаҳон банкининг баҳолашича, Ўзбекистон минтақа даражасида ўз барқарорлигини намойиш этяпти ва у Европа ва Марказий Осиё миқёсида энг юқори иқтисодий ўсиш суръатига эришадиган мамлакатлардан бири бўлади.

Халқаро экспертлар фикрича, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, шунингдек, ахборот технологиялари муҳим роль ўйнаши лозим бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида ислохотларни давом эттириш ҳам аҳамиятли.

Озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш яқин йилларда ҳам жиддий

муаммоларга қолиши инobatта олинмаган бўлса, минтақавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва савдо алоқаларини яхшилаш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги бундан кейинги иқтисодий ўсишда давлат эмас, балки хусусий сектор ёнилиги вазифасини ўташи керак.

Форум иштирокчиларининг таъкидлашича, Ўзбекистон энергетика соҳасида муваффақиятга эришяпти. Энди эса уни банк соҳасида ҳам намойиш этиш пайти келди. Молия секторини ривожлантиришда инклюзивликка эътибор қаратиш лозим. Инклюзив молия тизими нафақат облигация ва акциялар, балки деривативлар ва бошқа молиявий воситаларни ҳам ўз ичига олади. Фонд бозорига ички бозорнинг янги иштирокчиларини жалб қилиш учун аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш жуда муҳим.

Барқарор тараққиёт ислохотлар марказида бўлиши керак. Ривожланишнинг кун тартибиди ҳам у белгилайди. Айни чоғда ҳукумат томонидан Барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаш стратегияси ишлаб чиқариляпти. У молиявий хатоларни бартафас қилиш ва миллий мақсадларга эришишда давлат ва хусусий молиялашнинг мос йўналишини таъминлаши мумкин.

Гендер тенгликни таъминлаш ҳам форум иштирокчилари эътиборидан четда қолмади. Халқаро мутахассисларнинг қайд этишича, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш хайрига лойиҳаси эмас, балки иқтисодий ўсиш учун зарур асосдир. Аёллар тадбиркорлиги билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Болалар парвариши бўйича сифатли ва арзон хизматлар йўлга қўйилиши аёлларнинг меҳнат бозорига қайтиши учун кенг имконият яратди.

Таълим масаласига келганда, уни демографик муаммоларни бошдан кечираётган маҳаллий, минтақавий ва глобал бозорларнинг ҳозирги ва келгусидаги эҳтиёжига мослаш ва ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон табиий ресурслар, инсон капитали, илмий салоҳият нўқтаи назардан катта имкониятларга эга мамлакат. Энг асосий — ана шу имкониятдан оқилона фойдаланиш. Самарқандда ўтказилган иқтисодий форум мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўзаро таърибга алмаштириш ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун катта ва жуда янги платформа вазифасини ўтади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



АГРОВОЛЬТАИКЛАР

қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради

Глобал иқлим ўзгариши, озик-овқат ва энергетика хавфсизлигига таҳдид ва хатарларнинг кучайиши шароитида мамлакатлар учун истиқболли йўللardan бири қишлоқ хўжалигига инновацион йўналишларни, шу жумладан, агровольтаикларни жорий этишдир. Бу энергия ишлаб чиқариш ва деҳқончиликни бирлаштириш имконини беради.

Жасур ҚОДИРОВ,
Марказий Осиё халқаро
институти етакчи илмий
ходими

Агровольтаиклар концепцияси дастлаб 1982 йилда немис олимлари А.Гетцбергер ва А.Застроу томонидан ҳосилдорликни ошириш учун қуёш электр станцияларини ўзгариш воситаси сифатида таклиф қилинган.

Уларнинг гоёси қуёш коллекторларини ердан 2 метр баландликка кўтариш ва экинларнинг ҳаддан ташқари сояланишига йўл қўймайлиги учун орадаги массифанга қуёшнинг инсонни беради.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу усул бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, қуёш энергияси панелларидан аҳоли зич жойлашган ёки чекланган ҳудудларда фойдаланиш учун катта имкониятлар мавжуд. Сабаби бу нисбатан кичик қишлоқ хўжалиги ҳудудида энергия ишлаб чиқариш имконини беради.

Масалан, олимлар ҳинд лойиҳасида 34 минг гектар узум майдонида

APV қуввати 16 минг ГВт/соатни ташкил этишини ҳисоблаб чиқди, бу эса 15 миллиондан ортиқ аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришга етади. Маълумотларга кўра, 2021 йилга келиб бутун дунё бўйлаб агровольтаик қурилмаларнинг умумий қуввати 14 ГВтга етди. Бу усул ўсимлик етиштиришда юқори қуёш нурланишининг салбий таъсиридан ва у билан боғлиқ сув тақчил ва қўроқчил ҳудудлар учун гоётада аҳамиятлидир.

Илмий тадқиқотлар экинларни соя қилиш тупроқдаги намлик бўғлини 40 фоизга қисқартириши, бу эса сув сарфини сезиларли даражада камайтиришини кўрсатди. Шу билан бирга, ҳосил маҳсулдорлигини орттиришга ҳам хизмат қилади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, APVдан фойдаланиш ер унумдорлигини 70 фоизгача ошириши мумкин.

Деҳқончиликка таъсир қилишдан ташқари, APVни жорий этиш энергия ишлаб чиқаришдан қўшимча даромад олиш ҳисобига агрархўжалик рентабеллигини оширади ва марказлаштирилмаган энергия тизимининг бир қисми сифатида қишлоқ жойларини тармоқдан

ташқари электрлаштиришни янада яхшилаши мумкин.

Бугунги кунда бу борада дунёнинг санокли ривожланган давлатларида илмий лойиҳалар мавжуд. Мисол учун, 2018 йилда АҚШнинг Аризона штатида кичик APV тадқиқот иншооти ўрнатилди, мамлакат шимолида қўшимча синон майдончаларини яратиб режалаштирилган.

Германиядаги Фраунгофера қуёш энергияси тизимлари институти 2016 йилда мамлакат жанубида 0,3 гектарга

АГРОВОЛЬТАИКЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ ДАСТЛАБ 1982 ЙИЛДА НЕМИС ОЛИМЛАРИ А.ГЕТЦБЕРГЕР ВА А.ЗАСТРОУ ТОМОНИДАН ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ТАКЛИФ ҚИЛИНГАН.

етиштириш ва 800 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 67 та қуёш панелларидан фойдаланилади.

Японияда эса 2004 йилдан буён бир неча кичик APV заводлари барпо этилган. Баландлиги 3 метр бўлган устунларга ўрнатилган фотовольтаик панеллардан ташкил топган ушбу тизимлар, қуёш энергияси ишлаб чиқаришни ер ёндоқ, бақлажон, бодринг, помидор ва қарам каби турли маҳаллий озик-овқат экинларини етиштириш билан бирлаштиради.

2013 йилда Япония илк бор давлат қўллаб-қувватлаш дастурини жорий қилди, 2018 йилда 1 ГВтга етказиш ишлари оlib бoрилмоқда.

Лойиҳани амалга оширувчилар “Baofeng Group” ва “Huawei” қуёш панеллари қунгабоқар кузатув тизими билан жиҳозланган, бу фотовольтаик элементларнинг самарадорлигини сезиларли даражада яхшилайтиди ва электр энергияси ишлаб чиқаришни оширади. Шунингдек, қариб 3 метр баландликда қуёш панелларини ўрнатиш дала ишлари ва ўрим-йиғимга тўқинлик қилмайди.

“Huawei” маълумотларига кўра, лойиҳа якунланган, у йилга 557,6 минг тонна қўшимча тежайди. Шунингдек, йилга 1,6 миллион тонна CO2 газини, 51 минг тонна олтингугурт диоксидини, 26 минг тонна азот оксидини ва 462 минг тонна чангни камайтиради.

Лекин APVдан фойдаланган ҳолда ҳосилдорликни ошириш масалалари

тўлиқ ўрганилмаган. Хусусан, олимларнинг таъкидлашича, APVдан фойдаланганда қуёш радиацияси камайдди. Бу ерда географик ва иқлим шароитлари, шунингдек, турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳосилдорликка таъсир қилади.

Шундай қилиб, 2016 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, қуёш радиациясининг 20 фоизгача тушиши шולי ҳосилнинг 20 фоиз камайишига олиб келиши аниқланди. Шу каби қўрсаткичлар бугунги ҳосилга соянинг таъсирини ўрганиш натижасида олинган.

Энг истиқболли усул — қўллаб-қувватловчи тузилмалар (узумзорлар, интенсив мева етиштириш ва бошқалар) қўлланадиган ҳудудларда агровольтаикларни бирлаштириш. Ушбу ёндашув Франциянинг “Sun’Agi” вино компанияси томонидан фаол қўлланади. Уларнинг фикрича, интенсив мева етиштириш ва узумчиликда APVни қўллаш сувни тежайди, меваларни қуёшнинг кучли ёнишидан ҳимоя қилишга ва об-ҳавонинг кескин ҳодисалари (совуқ, дўл, кучли шамол) таъсирида йўқотишларни камайтириш орқали ҳосилни сақлаш ёки ҳатто оширишга олиб келади.

Бу жиҳат келажакда янада долзарб аҳамият касб этади. Вино ишлаб чиқарувчи ҳудудларда иқлим ўзгариши таъсирида узумчилик учун мос майдон 2050 йилга келиб кескин қисқариши кутилмоқда.

Ҳиндистон узум фермаларининг APV салоҳиятини моделлаштириш бўйича ўтказилган тадқиқоти шуни кўрсатдики, бу фермер хўжалиklarининг йиллик даромадини узум ҳосилдорлигини сақлаб қолган ҳолда APVсиз аънавий фермер хўжалиklarига нисбатан 14 баробар ошириш мумкин.

Умуман олганда, ҳозирги вақтда агровольтаиклар, асосан, технологияларни тадқиқ қилиш ва синовдан ўтказиш босқичида бўлишига қарамай, келажакда APV қишлоқ хўжалиги тизимларининг муҳим таркибий қисмига айланиши мумкин. Шунингдек, келажакдаги ижтимоий ва экологик, жумладан, иқлим ўзгариши, энергия, озик-овқат хавфсизлиги ва ердан фойдаланиш каби муаммоларни ҳал қилади.

Ўзбекистон учун иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг аҳоли зич жойлашган ва чўл ҳудудларида агровольтаикни жорий этиш истиқболлари бўйича дала тадқиқотларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижобий натижаларга эришилса, агровольтаиклар қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, камайиб бораётган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг марказлаштирилмаган электр таъминоти тизимини ривожлантириш, шу орқали мамлакат озик-овқат ва энергетика хавфсизлигини оширишнинг самарали воситасига айланиши мумкин.



МУНОСАБАТ

СПОРТДА ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ ИНТЕГРАЦИЯСИ

мамлакатимизда ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам



Рашид МАТКАРИМОВ, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози, педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Бугун юртимизда кечаётган ислохотлар самарасини кўплаб соҳаларда эришяётган ютуқларимизда кўришимиз мумкин. Бу муваффақиятлар ортида эса машаққатли меҳнат ва доимий изланиш, тинимсиз ҳаракат ётибди. Айниқса, ҳар бир соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолиятни кўллаб-қувватлаш, натижадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди, бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт йўналишида ҳам.

Бироқ айтаётганларимиз масаланинг бир томони, муҳими эса жисмоний тарбия ва спорт соҳасини илмий жиҳатдан ривожлантириш, бу борадаги илмий тадқиқотларни кўллаб-қувватлашдир.

Шу йил 23 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан спорт таълимини ривожлантириш, соҳага илмий ёндашувларни таъбиқ этиш вазифаси қўйилган эди. Жорий йил 3 ноябрь куни Президентимиз ана шу вазифалар ижроси ҳамда спорт таълими ва илминини ривожлантириш бўйича тақлифлар тақдими билан танишди.

Аҳамиятли жиҳати, билдирилган режа-тақлифларни қамраб олган учта муҳим йўналишнинг биринчиси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг Нукус ва Фарғона филиалларида таълим сифатини ошириш этиб белгилангандир. Йўналишларнинг иккинчиси — спорт таълими муассасаларида бошқаруви такомиллаштириш, учинчиси — соҳада илмий тадқиқотлар тизимини яхшилаш. Демак, юқоридаги тақлифлар шуни кўрсатадики, соҳада иқтидорли спортчиларни етиштириш билан бирга, уларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, турли инновацион аниқликларни жорий этиш зарурати мавжуд.

Шу куннинг ўзидеяқ давлатимиз раҳбарининг **“Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, соҳадаги ўқув жараёнларини халқаро стандартларга мослаштириш ва энг муҳими, спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар сифатини тубдан яхшилашга қаратилган билан янада катта аҳамият касб этади.

Қарорга биноан, 2023–2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул халқаро стандартлар асосида мақбуллаштирилади. Яъни энди “Спорт фаолияти” бакалаврият йўналишига камидан II разрядга эга, “Спорт турининг алоҳида йўналишлари” магистратура мутахассисликларига эса камидан Ўзбекистон спорт усталлигига номзод абитуриентлар қабул қилинади.

“Қарорда долзарб бўлмаган айрим бакалаврият йўналишлари тугатилиб, кўшимча магистратура мутахассисликлари ташкил этилиши белгиланиши ҳам соҳада ҳамон қилиниши зарур бўлган ишлар борлигидан далолатдир. Ундан ташқари, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини комплекс ривожлантириш дастури ҳам ишлаб чиқилди.

Чунончи, талабаларда спорт маҳоратини доимий равишда юксалтириш ҳамда персонал траекториялар асосида вариатив (ўзгарувчан) таълим олиши учун ўқув жараёнини кредит-модуль тизими асосида ташкиллаштириш, ўқув жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, битирувчи курс талабалари амалиётини маҳаллаларда ўтказиш белгиланган. Бу тизим бўйича амалий

ишлар йўлга қўйилган ва жараён тизимли давом этади.

Қарор билан битирувчи бакалавр ва магистрантларнинг билими, маҳорати ва педагогик кўникмаларини баҳоловчи компетенциявий сертифициатлаш тизими жорий қилинади. Иқтидорли битирувчиларнинг (қоида тарикасида, аъло баҳоларга битирган) битирувчи амалиёти миллий терма жамоаларнинг хорижда ўтказиладиган ўқув-йиғин машғулоти ҳамда халқаро мусобақалар жараёнига жалб этиш орқали ташкил этилади. 2023–2024 ўқув йилидан бошлаб университет ва унинг филиалларида ҳамда бошқа олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт таълим йўналишларида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи фахрий унвонига эга бўлган спортчилар, халқаро тоифадаги спорт устози ёки халқаро гроссмейстер спорт унвонига эга спортчилар, Ўзбекистон спорт устози ёки Ўзбекистон гроссмейстери спорт унвонига эга спортчилар, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича республика чемпионатларида охириги бир йилда голиб (1-урин) бўлган спортчилар касбий (иждоий) имтиҳонларни топширишдан овоз қилиниши ва уларга максимал балл берилиши улар учун катта имконият бўлади. Қувонарлики, жисмоний тарбия ва спорт йўналишида 2023 йил 1 январдан бошлаб Паҳлавон Маҳмуд номидаги давлат стипендияси жорий қилинадиган бўлди.

Шунингдек, университетнинг жозибдорлигини ошириш учун жаҳондаги етакчи ва нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш, шаффоф қабул жараёнини ташкил этиш, тахсил олаётган хорижий талабалар сонини 2 баробар кўпайтириш белгиланди. Университетда олимпия спорт фаолияти бўйича йўналишлар сонини 20 фоиз, нолимпия спорт фаолияти бўйича йўналишлар сонини эса 60 фоиз оширилади. Энг муҳими, олимпия ҳамда фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар кўлами кенгайтирилиб, самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини қучайтириш орқали илмий салоҳиятини 1,7 баробар кўпайтириб, 45 фоизгача етказиш вазифаси қўйилди.

Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлари институтига спорт биомеханикаси, физиологияси, фармакологияси



“УНИВЕРСИТЕТДА ОЛИМПИА СПОРТ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ЙЎНАЛИШЛАР СОНИ 20 ФОИЗ, НООЛИМПИА СПОРТ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ЙЎНАЛИШЛАР СОНИ ЭСА 60 ФОИЗ ОШИРИЛАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, ОЛИЙОҲДА ФУНДАМЕНТАЛ ҲАМДА АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙТИРИЛИБ, САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ, ИЛМ-ФАННИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ҚУЧАЙТИРИШ ОРҚАЛИ ИЛМий САЛОҲИЯТИНИ 1,7 БАРОБАР КЎПАЙТИРИБ, 45 ФОИЗГАЧА ЕТКАЗИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ.

ва генетикаси бўйича тадқиқотлар ўтказиш, илмий-инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштириш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш юқлатилмоқда. Университет ва институтда замонавий ўқув ва илмий лаборатория базасини яхшилаш (функционал, биокимёвий, психодиагностика, биомеханика, генетик ва бошқа лабораториялар), уларни илгор технология асосида ўқувлар билан жиҳозлаш, шунингдек, ягона кутубхона фондусини шакллантириш орқали фондини 60 фоиз янгилаш, университетнинг мутахассислик фанларидан аудио-визуал ва мультимедиа таълим маҳсулотлари тайёрлаш, телевидение ва оммавий ахборот воситалари учун спортнинг афзалликларини тарғиб қилиш бўйича контент яратиш, сунъий интеллект технологияларини жорий қилишга мўлжалланган “Спорт IT” марказини ташкил қилиш сингари ўзига хос мақсадли курсчиликлар ҳам белгилаб қўйилди.

Мазкур қарорда спорт таълимининг ривожлантириш билан бирга, университетда кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишларини олиб боришга ҳам эътибор қаратилган. Университет футбол майдонини сунъий қоплама билан қоплаш ва унинг атрофидаги енгил атлетика югуриш йўлакларини резина қопламасини янгилаш, мавжуд омборхона биносини қишлоқ спорт турлари бўйича симуляция маркази биносига мослаштириш ва жиҳозлаш, 1200 ўринли ўқув биносини янгида қуриш, мавжуд очик ва ёпиқ сузиш ҳавзаларини реконструкция қилиш, 2 та минифутбол, 1 та бадминтон, 1 та волейбол, 1 та баскетбол, 1 та улқоқтириш (босқон, диск, найза), ядро иргитиш очик спорт майдончалари барпо этиш ҳамда университет ҳудудида, канал қирғоғида эшак эшит базасини қуриш шулар жумласидандир.

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

МИНГ ДАРДГА ДАВО

Шифобахш хусусиятга эга шинни ишлаб чиқариш технологияси яратилди

Анемия, яъни камқонлик қизил қон таначалари ёки улар таркибидаги гемоглобин миқдори камайганда юзага келадиган касаллик. Аммо баъзида қизил қон таначалари сонини сақлаб қолганда ҳам уларнинг асосий таркибий қисми — кислород ташувчи гемоглобин оқсилни сони камайдир. Натижада қизил қон таначалари “сифатсиз” бўлиб қолади ва уларнинг функциялари ҳатто қизил қон ҳужайралари сонини ўзгармас ҳам, ишдан чиқади. Улар ўз вазифасини мукамал бажара олмаслиги, камқонлик туфайли организм аста-секин “бўғила” бошлайди.



Ўқитувчиси Дилафрўз Жалмуродова узумни қайта ишлаб, ундан доривор моддаларни ажратиб, гемоглобинни кўтарадиган ва камқонлик касаллигида профилактика учун қўлландиган тайёр шинни олиш стартап лойиҳасини ишлаб чиқди.

— Қондаги гемоглобин мияга кислород етказиб беради, — дейди Дилафрўз Жалмуродова. — Бу ақлий иш самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга. Гемоглобин миқдори камайиши анемияга сабаб бўлади. Бу касаллик билан оғриган ва иммунитетини паст беморларда турли юқумли хасталиқларга чалиниш хавфи юқори бўлади. Биз ишлаб чиққан технология асосида олинган шинни камқонликдан азият чекадиган одамлар учун жуда фойдалиди. Чунки бу усул узумнинг организм учун энг зарур бўлган, табибий тадқиқотлар давомида ўз тасдиғини топган, гемоглобинни оширадиган моддаларини ажратиб олишга асосланган. Шунинг учун бундай шиннини камқонликни даволаш ёки унинг олдини олишда истеъмол қилиш мумкин. Узум таркибида глюкоза кўпчилиги камқонликнинг олдини олиш ва даволашда муҳим аҳамиятга эга.



Бундан ташқари, узум пектин, оксил, углевод каби моддаларга ҳам бой. Унинг таркибида В, Е, А, РР, К, С ва Д витаминлари мавжуд. Шунингдек, узумда темир, мис, калий, кальций, магний, рух, бор, ванадий, алюминий, молибден, селен, титан, кобальт, хлор, кремний ва оптингурут каби микро ва макроэлементлар мавжуд. Узум меваси қобилиятида фитостерин саратон ва бошқа оғир касалликларга қарши антиоксидантларни ўз ичига олади. Унда минерал тузлар ҳам бор. Бу моддалар ёрдамида инсон танаси ҳаминга енгил ва инфекциялардан холи бўлади. Узум пўсти ва данагида ресвератрол миқдори кўпчилиги сабабли унда саратонга қарши кураша олиш қуввати бор. Яллиғланишга қарши курашиш хусусияти туфайли кўрак саратонини, йўғун ва тўғри ичаклардаги саратон хасталигининг бошланишини асоратсиз даволайди.

— Биз тиббиётда фойдаланишга мўлжалланган шинни тайёрлаш учун узумнинг яхши пишган бошларини совуқ сувда ювиб, ғўжми билан эзиб, сунг филтратлаб, оралиқ маҳсулот олдик, — дейди Дилафрўз Жалмуродова. — Олинган оралиқ маҳсулот — шарбат қиздирувчи реактор (қозон) га солинди, ранги тиниклашиб, қуюлгунча паст ҳароратда қайнатишни давом эттирдик, натижада тайёр маҳсулот — шинни ҳосил бўлди. Лаборатория шароитида мазкур шиннинг микро ва макроэлементлари текширилганда, унда қондаги гемоглобинни оширадиган, камқонликка фойдали моддалар миқдори юқори экани аниқланди. Келгусида мазкур технологияни ишлаб чиқаришга татбиқ этмоқчимиз.

Айни пайтда мазкур шиннини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур норматив техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ушбу технологияни янада такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЯШИЛ МАКОН

Оғир экологик шароитда ўрмон, жумладан, “яшил қопламалар” кенгайтириш ҳаво тозаланишига, атроф-муҳит яшилланишига, чанг-тўзон камайишига олиб келади. Давлатимиз раҳбари раислигида 2022 йил 11 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш мақсадида эълон қилинган “Долзарб 40 кунлик” шу жиҳатлари билан муҳимдир.

МАҚСАД ФАҚАТ АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИШ ЭМАС

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманининг “Саманқул” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги давлат ўрмон ҳужалиги тажриба майдончасида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар ҳам мазкур тадбирнинг муваффақиятли ўтишига хизмат қилди. У дароҳ кўчатлари экиш ва парваршилаш, суғориш тизимларини ташкил этиш масалаларига бағишланди.

Тадбирда кўчатларнинг хусусиятлари, уларни экиш, суғориш тартиби, ўғитлаш, парваршилаш жараёнлари, ушбу ҳудудлар иқлим шароитига мос янги ўсимлик турларини яратиш ва шўрға чидамли турларини кўпайтириш, экиладиган кўчатларни касаллик ва зараркундалардан асраб бўйича тажриба алмашилди.

Жорий йил куз мавсумида Қорақалпоғистон ўрмон ҳужалиги қўмитаси томонидан 925 минг 500 туپ, кўчатчилик фермер хўжалиқлари томонидан 1 миллион 951 минг 500 туپ, аҳоли томонидан 2 миллион 373 минг 400 туپ манзарали, мевали дароҳ ва бутта кўчатини етиштирилди.

Қорақалпоғистонда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар бир ҳудуднинг маҳаллий иқлим шароитига мос 14 миллион туپ дароҳ ва бутта кўчатини экиш режалаштирилган эди. 2021 йил кузида 6 миллион 512 минг туپ, 2022 йил баҳоридан 8 миллион 952 минг туپ кўчат экилиб, режа 110,5 фоиз бажарилди.

Фуқаролар йиғинидаги нуроний онахонлар, фаол хотин-қизлар иштирок этди.

“Долзарб 40 кунлик” Қорақалпоғистоннинг барча туманларида жадал давом этмоқда. — Беруний туманидаги 40 та маҳалланинг барчасида кўчат экиш ишлари кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда олиб борилмоқда, — дейди Беруний тумани ҳокими Оттабек Сапарбоев. — Биз, асосан, ҳудуд иқлимига мос кўчатлар экилишига алоҳида эътибор қаратяёмиз. Ушбу тадбирга туманидаги барча ёшу қари жалб қилинган.

Эллиқалъа туманида ҳам “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати ва “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида маҳалла фаоллари, ёшлар, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида узум ва манзарали дароҳ кўчатлари экилди. Эллиқалъа тумани “Аёзқалъа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Бўстон кластер” масъулияти чекланган жамиятга қарашли пахта далалари атрофида узум кўчатлари экиш ишларига кенг жамоатчилик иштирок этди. Бундай хайрли тадбирлар туманининг ҳар бир ҳудудида уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Амударё тумани ҳокимлиги Оила ва хотин-қизлар бўлими ташаббуси билан умуммиллий акция доирасида “Оналар яшил макон учун” ширин остида “Оналар боғи” яратилиб, иштирокчилар эзгу ниятлар билан мевали ва манзарали дароҳ кўчатларини экди, юртимизга тинчлик, омонлик тилади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Абадий дўстлик - абадий дўстлик

КЕЛАЖАККА ЙЎЛЛАНГАН МАНГУ БИТИКЛАР ТАНТАНАСИ Ёхуд глобал дунёда туркий халқларнинг муштарак ҳақиқатлари



...Иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш хоқоннинг ўғли, милодий 716-734 йилларда ҳукмронлик қилган Билга хоқон нафақат йўлбошчи, балки буюк рухоният соҳиби ўлароқ гавдаланади. Унинг сўзлари тошёрар: "Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? Эй будун! Титра, ўзингга кел! Тиклан, мангу яша!"

Унинг даъвати қавмларни оёққа турғизди. Ёзувчи бундан Эл Бугу тилидан беради: "Ху-у улус! Утирган бўлсанг, тур! Турган бўлсанг, юр! Хоқонинг йиғинга чорламоқда!"

Яқиндагина тилимизнинг қадим илдиэларидан баҳра олиб, туркий эллар ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигининг кўҳна воқеалари ҳақида янги асар ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон СУЛТОННИ бежиз суҳбатга чорламадик. Зеро, 11 ноябрда Самарқанд шаҳрида бошланмақ Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг асосий ғояси ҳам бугунги туркий халқларнинг ҳамоҳанг ҳаёт тарзи, туркий қавмининг софлигини, ўзлигини сақлаш борасидаги саяё-ҳарақатлари, глобал дунёнинг геосиёсий масалалари билан ҳамбарчас боғланган.



— 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига асос солинди. Утган йиллар давомида туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда янги ва ранг-баранг саҳифалар очди. Сизнингча, ушбу жараёнда адабий алоқалар қай даражада жонланди?

— Ҳақиқатан ҳам, мазкур ташкилот ўз фаолиятида турли даврларни бошдан кечирди. Ушбу ҳамкорлик 2018 йилдан эътиборан ўзининг том маънодаги янги суръат ва кўламдорлик палласига кирди. Уша йилнинг 3 сентябрь кунини Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 6-саммити бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва ўз нутқида Ташкилотга аъзо бўлиш истагини билдириб, жумладан, туркий тилли мамлакатлар долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келаётганини, айни вақтда мазкур ўлкалар халқларининг ҳаётини манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланиётганини таъкидлаб, туркий халқларни ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини кенгайтириш, етакчи саноат корхоналари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида кооперация алоқаларини қучайтириш зарурлигини таъкидлади. Туризмни ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар борлиги, маданий-гуманитар алоқаларни муштахкамлаш халқларимизни янада яқинлаштириши қайд этилди. Шунингдек, тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, ёш авлодни илм-маърифат асосида тарбиялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айни шу саммитдан сўнг Ташкилот фаолияти бир қанча омиллар туфайли янги поғонага кўтарилди. Албатта, бундай суръат фан ва маданият, адабиёт ва санъат соҳасига ҳам янги кўлам башх этди. Аввалги йилларда муштарак тарих, тил, маданият соҳасидаги алоқалар анча суст давом этган бўлса, эндиликда бу соҳалар иқтисодиёт, туризм, таълим билан биригилганда асосий йўналишларга айланди. Маданият ва санъат форумлари, кўшма анжуманлар, фестиваллар ўтказилди, илмий ва адабий асарлар таржимаси ва наشري янги кўлам касб этди. Адабиётимиз ва санъатимизнинг бир қанча намояндалари нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўлди.

— Кўҳна тарих саҳифаларига назар ташласак, муштарак маданиятимиз илдиэлари қанчалар бир-бирига тутшиб кетганини янада чуқур ҳис қиламиз. "Билга хоқон" романида сиз ушбу муштарак фалсафани, маданий-гуманитар алоқалар пойдеворини теранроқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилгансиз. Бу жараёнда сизга қайси тарихий манбалар ёрдам берди?

— Албатта, бундай мисоллар тарихимиз зарварларидан кўплаб учрайди. Асл исми Мўғулан бўлган Билга хоқон қийин вазиётда ўз халқини йўқсилликдан, ноқорликдан қутқарган ва элини юксалтирган фидойи ҳукмдор сифатида тарихда қолган. Урхун-Энасой тошбитиклари туркий халқларнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Бу мавзу нафақат бизнинг, балки барча туркий халқларнинг мактаб дарсликларидан ўрин олган.

Қарангки, Билга хоқон мансуб бўлган улуснинг асосчиси бўлиши ашина уруғи эраимиздан аввалги IV-VI асрларда ҳозирги Ўзбекистон тупроқларидан шимолга қараб йўлга чиққан экан. Буни тарихчи олимлар билан бир қаторда, мангу тошлардаги тилининг она тилимизга яқинлиги ҳам исботлаб турибди. Ҳар доим Ўзбекистон туркий халқларнинг ота юрти, олтин бешиги эканини тасдиқлайдиган маълумотларга дуч келсангиз, қувониб кетасиз. Билга хоқон ҳақидаги маълумотлардан эса Абдурашид Абдураҳмонов, Насимхон Раҳмонов, Қосимжон Содиқов, Қўдратилла Омонов каби олимларимизнинг меҳнатлари туфайли хабардор бўлганмиз. Албатта, Мухаррам Эргин, Чингиз Алиилмаз каби хорижий олимларнинг тадқиқотларидан ҳам фойдаланишга тўғри келди.

Миллий ўзлик мавзусидаги бундай асарлар юртимиздаги янгилишни ва бунёдкорлик тамойиллари туфайли ёруғлик кўрганни алоҳида таъкидлаб

ҲАР ДОИМ ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ОТА ЮРТИ, ОЛТИН БЕШИГИ ЭКАНИНИ ТАСДИҚЛАЙДИГАН МАЪЛУМОТЛАРГА ДУЧ КЕЛСАНГИЗ, ҚУВОНИБ КЕТАСИЗ. БИЛГА ХОҚОН ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРДАН ЭСА АБДУРАШИД АБДУРАҲМОНОВ, НАСИМХОН РАҲМОНОВ, ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ, ҚЎДРАТИЛЛА ОМОНОВ КАБИ ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ МЕҲНАТЛАРИ ТУФАЙЛИ ХАБАРДОР БЎЛГАНМИЗ. АЛБАТТА, МУҲАРРАМ ЭРГИН, ЧИНГИЗ АЛИИЛМАЗ КАБИ ХОРИЖИЙ ОЛИМЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ҲАМ ФОЙДАЛАНИШГА ТЎҒРИ КЕЛДИ.

ўтиш жоиз деб ўйлайман. Ўз вақтида миллий ўзлик ҳақида асар яратишда бир қанча тўсиқлар мавжуд эди. Шунга қарамасдан, устоз адилларимиз ўзларини қўйиб борадиган ўлмас тарихий асарларини яратди. "Билга хоқон" романини адабиётимиздаги ушбу аънанани баҳоли кудрат давом эттиришига ўриниши, деб атаган бўлардим.

— Адабиётшунослар, "Билга хоқон" романининг яна бир ютуғи, муаллиф туркий сўزلардан шунчалар унумли фойдалангани, мутахассислар асар орқали ажодларимиз фойдаланган туркий сўзларнинг луғатини шакллантириш мумкин, деган фикрни билдирди. Романинг ўзига хос тилини шакллантиришда қайси луғатлардан ва асарлардан илҳом олдингиз?

— Кунимиздан қарийб бир ярим минг йил аввалги даврнинг тарихий руҳини жонлантириш учун бугунимиз кишиларига тушунарли бўла оладиган, шарқираб қаётган зилолдай тоза, мусоффо туркий тилга эҳтиёж тўғилади, албатта. Шу сабабли, асар ёзилишида ҳам, таҳрир жараёнида ҳам ундаги араб ва форс сўзлари ўрнига ўз тилимиздаги муқобилини танлаб, қўйиб чиқишга тўғри келди. Чунки "ва", "хам" ёки "ҳамда", "томон", "араф", "жануб", "шимол", "дарё" каби бир қатор сўзлар ўрнига асл туркий сўзни топиш зарурати пайдо бўлди. Мисол учун, "мен ва сен" ўрнига "мен билан сен" дейилса, тил жонлангандай бўлади. "Томон"ни ажодларимиз "бўлунг", "араф"ни "ён", "дарё"ни "сув" деб атаган, қолган сўзлар шулар атрофида уюшган, масалан, "оқар сув", "турғун сув", яъни қўл, сувлоқ, сувчи, сувламоқ... Шу билан бирга, қадимги айтим ва мақоллар ҳам ёрдамга келди. Мисол учун, қор момақалдирок билан ёғса, қиш бола ташлади, дейилган экан. Ёки ёз кунинда ёмғир ёғса, бўри болалади, ой атрофида халқа ҳосил бўлса, ой кўрганлади ёки ой ўтов тикди, дейишди. Бундай кўҳна иборалар она тилимизда ҳам, туркий лаҳжаларда ҳам кунимизга қадар яшаб келмоқда.

Албатта, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луготит-турк", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ", Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиғ" асарларидаги кўҳна сўзлардан ҳам фойдаланишга тўғри келди. Бироқ энг муҳим манба — қадимги ёдгорликлардаги ёзувлар, албатта. У матнлар битилган ёзувнинг ўзбек давр-да хос шикоят, фидойилик, қаҳрамонлик руҳини ифодалаб туради: ҳарфлар тўғри ёки синган ёй ўқини, қалқон шаклини эслатади. Урхун-Энасой битикларининг асл матнини ва ўзбекча мазмунини солиштирганнингизда, она тилимиз кўрки ва виқор кўз ўнгинида тўла гавдаланади.

— Ҳозирда Ташкилот шафелигида 1993 йил 12 июлда таъсис этилган ва қароргоҳи Анқарада жойлашган Турк маданияти халқаро ташкилоти (ТУРКСОЙ) фаолият кўрсатмоқда. У туркий халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни тиклашни, қардош халқлар умумий моддий-маданий меросини келажак авлодларга безавол етказишни, ижод аҳли ўртасида ўзаро фаол алмушавларни амалга оширишни асосий мақсади, деб ҳисоблайди. Келинг, шу ўринда ташкилот доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилган лойиҳаларга тўхталиб ўтсак...

— Халқаро туркий маданий ташкилот — ТУРКСОЙ томонидан ҳар йили аъзо давлатларнинг машур ва тарихий шаҳарларини "Туркий дунё маданияти пойтахти" деб эълон қилиш лойиҳаси мавжуд бўлиб, мазкур мақомага 2020-2021 йилларда мамлакатимиз Президентининг тақлифи билан Хива шаҳри лойиқ кўрилди.

ҳазратлари номидаги ва Биринчи Ренессанс даврининг улғу намояндаларидан Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро мукофотлар таъсис этилгани жуда уринли бўлди.

Бу жараёнда Ўзбекистон ташаббуслари ҳаётини ва долзарблиги билан ажралиб туради. Давлатимиз раҳбарининг қўшни ва қардош давлатлар, қатор минтақавий ташкилотлар билан очик ва конструктив ҳамкорлигини муштахкамлашга қаратилган оқилона сиёсати Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг ўрнатилишида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон раҳбарининг ташкилот доирасидаги саммитларда ҳар сафар иқтисодий, сармоявий, савдо-сотик, транспорт-коммуникация ва логистика тизимларини ривожлантириш, инновациялар, ёшларни кўллаб-қувватлаш



ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТИЛЛАРИДА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИГА АСОСАН, МИЛЛИЙ КИНО МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЯРАТИШ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ, БУЮК АЛЛОМА ВА УЛАМОЛАРИМИЗНИНГ ИЛМ-ФАН РИВОЖИГА ҚЎШГАН БЕБАҲО МЕРОСИНИ ОММАЛАШТИРИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚИСКА МЕТРАЖЛИ ВА ҲУҶАТЛИЛИ ҚИЛБМЛАР ЯРАТИШ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ.

Шахрисабз, Марғилон, Қўқон, Термиз ва бошқа тарихий шаҳарларимизда буюк алломаларнинг илмий ва маданий мероси тўғрисида семинар, симпозиум, конференция, илмий-амалий анжуманлар ўтказилади ҳамда илмий-оммабоп нашрларда материаллар эълон қилинади. "Қўқон" арт-резиденциясини ташкил этиш, "Golden Valley Marathon" халқаро марафонини ташкил этиш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намояндалари мероси ва моддий-маданий мерос объектларини акс эттирувчи "Туркий дунё боғи", "Аскиячилар боғи" ва "Шахмат боғи" номли тематик боғларни барпо этиш каби кўплаб маданий-маърифий тадбирлар кўзда тутилган.

Кўрииб турганидек, бу борадаги ишлар ҳам мамлакатимиз истикболига, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясининг рўёбига хизмат қилади.

— Бурса шаҳрида шу йилнинг сентябрь ойида Турк тили кунининг 90 йиллигига бағишланган семинар ўтказилган ва унда Туркий давлатлар ташкилотига ягона алифбо яратиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги қарор қаъд этилган. Туркия ОАВларига кўра, семинарда олимлар ўз мамлакатларидаги алифбо ва тарихий тил жараёнлари ҳақида маълумот бериб, ягона алифбога ўтиш ишларини жадаллаштириш мумкинлигини таъкидлаган. Агар ягона алифбога ўтилса, ўзбек тилининг қайси муҳим хусусиятларига жиддий эътибор қаратилиши зарур деб ўйлайсиз?

— Муштарак тил ва тарих жуда катта имкониятларга йўл очади. Маданият, санъат, адабиёт, илм-фан каби бир қанча соҳалардан хабардорлик юзага келади. Худди иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик каби умумий ҳамкорликнинг асосий тамалига айланади. Бундан барча фақат ютади, албатта. Менимча, туркий тилли давлатларнинг кўзга кўринган олимлари иштирок этадиган бу жараёнда ҳар бир халқнинг ўз тилига оид хусусиятларини сақлаб қолишга эътибор қаратилади. Шу билан бирга, муштарак алифбо яратиладиган ва у ҳар бир давлатнинг ўз тили билан ёзма-ён, турли маданият ва билим булоқларидан баҳраманд бўлишини таъминлайди. Келгусида эса янада жипсроқ ҳамжиҳатликка ва муштарак тараққиётга сабаб бўлади. Бу, албатта, узоқ давом этадиган, лекин эзгу мақсадларни кўзлаган жараён. Фикримча, бу ўринда она тилимиз катта ўрин тутишига ишончим комил, чунки у кўҳна меросимизни ва туркий халқларнинг деярли барча лаҳжаларини ўзига муҷассам этган буюк бир тилдир.

— Жорий йилда Туркиянинг Бурса шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти, Туркия маданият ва спорт вазирлиги, Отатурк номидаги маданият, тил ва тарих юксак қуруми ҳамда Турк тил

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.

Publication information including address, contact details, and subscription rates for 'Yuz' magazine.